



ISSUES OF APPLICATION OF INFORMATION TECHNOLOGIES TO THE STATE MANAGEMENT IN THE FIELD OF MIGRATION

Aminov Shahrizod Umidbek o'g'li¹

¹ Tashkent State Law University,

Master's degree student in Public Administration Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5091705>

ARTICLE INFO

Received: 20th May 2021

Accepted: 25th May 2021

Online: 30th May 2021

KEY WORDS

Migration, illegal labor, information technology, legislation, public administration

ABSTRACT

Migration is one of the most pressing issues in the international arena in recent years. Accordingly, there is a need for its scientific analysis and the establishment of effective public administration in the field of migration, the introduction of information technology in this area and the elimination of existing problems, based on the views of representatives of various fields. This article analyzes the current problems of the application of information technology in public administration in the field of migration and its solutions, and puts forward a number of proposals on these issues.

МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИГА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аминов Шахризод Умидбек ўғли¹

¹ Тошкент давлат юридик университети, Давлат бошқаруви ҳуқуқи мутахассислиги магистратура босқичи талабаси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-May 2021

Ma'qullandi: 25-May 2021

Chop etildi: 30-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Миграция, ноқонуний меҳнат, ахборот-технология, қонунчилик, давлат бошқаруви

ANNOTATSIYA

Миграция муаммолари сўнги йилларда халқаро майдонда кенг муҳокама қилинаётган долзарб муаммолардан бири саналади. Шунга қўра, уни илмий таҳлил этиши ва бу борада турли соҳа вакиллариининг ёндувларидан келиб чиқиб миграция соҳасида самарали давлат бошқарувини йўлга қўйиши, мазкур соҳага ахборот технологияларини татбиқ қилиши ва мавжуд муаммоларни бартараф этиши заруратга айланмоқда. Ушбу мақолада миграция соҳасидаги давлат бошқарувида ахборот технологияларини татбиқ қилиши масалалари долзарб муаммолари ва унинг ечимлари таҳлил қилинган бўлиб, мазкур масалалар юзасидан бир қатор таклифлар илгари сурилган.

Ҳозирги кунда миграция соҳасини тартибли бошқариш, мигрантларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш масаласи халқаро майдонда глобал муаммолардан бирига айланган. Асосан,

инсонларнинг ўз орзу истакларини амалга ошириши мақсадида яшаш ва иш шароитлари яхши бўлган ҳамда юқори иш ҳақи тўланадиган мамлакатларга интилиши халқаро майдонда миграция



жараёнларининг ривожланишига туртки бўлмоқда.

Жаҳонда миграцияни тартибга солиш масалалари турли жиҳатлардан ўрганилмоқда. Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан, ижтимоий-демографик жиҳатидан, иқтисодий-молиявий жиҳатдан. Кенг кўламли халқ оммасининг кўчиб юриш жараёнини ўрганган Э.П.Плетнев шундай ёзади “Аҳоли миграцияси кўплаб ҳар хил муаммоларни ўз ичига оладиган, тўғри маънода бир қанча фанларнинг ”кўшилиш нуктаси”да жойлашади¹. Рус олими О.Д.Воробьёв ўз асарларида аҳолининг миграция жараёнларида иштирокига тўхталиб, бунда аҳоли мамлакатнинг ички ва ташқи черагаларни кечиб ўтиб, яшаш жойини ўзгартириш ёки таълим олиш ҳамда меҳнат фаолиятини амалга ошириши юзасидан ҳар қандай ҳудудий кўчишни аҳоли миграцияси деб тарифлайди². А.Ахиезернинг фикрича, “Барқарор оммавий миграция ўз аҳамиятига кўра яшаш манзилни вақтинча ёки доимийга ўзгартирилиши орқали аҳоли муаян гуруҳлари қадриятларини рўёбга чиқаришга қаратилган фаолият бўлиб, одамлар турмуш тарзи ўзгариб бориши элементлардан саналади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, аҳоли миграцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, бу эркинликларни амалда таъминланиши, кафолатлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу соҳанинг ривожлаши бизни дунёвий давлат, фуқаролик жамияти сифатида жаҳонга намоён қилишга, миллий қадриятларимиз, демократик анъаналаримиз нечоғлик

хаётбахш кучга эга эканини намоён этишга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг миграция жараёнларида иштироки шиддат билан ортиб бормоқда. Расмий манбаларга кўра 2020 йил январь-декабрь ойларида мамлакатимиз бўйича кўчиб келганлар сони **191,086 нафарни** (эркаклар 75.244 нафар 39.4 %, аёллар 115.842 нафар 60.6 %), кўчиб кетганлар сони эса **203,629 нафарни** (эркаклар 81.781 нафар 40.2 %, аёллар 121.848 нафар 59.8 %) ташкил этади.

Давлатимиз томонидан ташқи миграция жараёнларида иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Миграция соҳасида юзага келаётган муаммоларни оқилона ҳал этишда давлат бошқарув органларининг ролини ошириш ҳамда ”электрон ҳукумат” доирасида миграция соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш масаласи бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг асосий мақсадларидан биридир. Шунингдек, давлатимиз томонидан тартибли ва ҳавфсиз миграция жараёнларини бошқаришда икки тамонлама шартномалар тузилиши ва миграция оид халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши билан мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини аниқлатади.

Миграция жараёнларининг ҳозирги ҳолатига кўра, миграция соҳасидаги давлат бошқаруви органлари фаолиятига ахборот технологияларини жорий қилишни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштиришга қодир бўлган мамлакатлар энг

¹ Плетнев Э.П. Международная миграция рабочей силы. - М., 1998. – 58 б.

² Воробьёва О. Д. Миграционные процессы населения: вопросы теории и государственной миграционной политики. Аналитический сборник, - М., 2003. – № 9.(202). – 35 б.



рақобатбардош бўлиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатимиз жаҳон ахборот маконида ҳам муносиб ўрин эгаллаши муҳим аҳамият касб этади. Дж. Нэсбит ёзганидек: “Механизация саноат инқилоби учун нима бўлса, ахборот асри учун компьютер технологиялари шундай аҳамият касб этади”³. Бугунги кунда ахборот технологияларининг миграция соҳасида қўлланилиши давлат бошқарув органлари томонидан миграция соҳасини тизимли бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Ф.Уэбстерга кўра, “ахборот мупермагистраллари жамият ривожланишининг муҳим омилига айланмоқда”⁴, айрим олимлар эса “ахборот коммуникация лардаги тараққиёт янгича тартиб шаклланишига олиб келади”⁵ деб хулоса чиқарадилар.

Халқаро майдонда миграция жараёнлари дунёнинг барча мамлакатларида содир бўлаётганлигини ҳамда мигрантларнинг катта қисми иқтисодий ривожланган давлатлар томон интилишини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳолатларда миграция билан боғлиқ жараёнларда қуйидаги муаммоларни келтириб чиқармоқда:

аҳоли миграцияси бугунги ҳаётимиздаги объектив жараён сифатида маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, ташкилий-иқтисодий жиҳатдан ҳам тартибга солишга муҳтож бўлиб бу вазифани мунтазамлик асосида бажарилиши лозим бўлган махсус давлат органлари тизими бўлиши ҳамда унинг мақсад ва вазифалари қонун ҳужжатлари воситасида батафсил белгилаб қўйилиши шунингдек, миграция жараёнида иштирок этишдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

олдиндан аниқлаштириб қўйилган бўлиши талаб қилинади.

Ҳозирги интеграциялашув кучайган даврда мигрантларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни аниқ белгилаб қўйувчи ягона Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинишига зарурат кучаймоқда.

Ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш, унга қарши курашишнинг самарали ишлайдиган иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари ишлаб чиқирилиши ҳамда улар тушунарли тарзда аҳолига, иш берувчиларга етказилиши керак. Ноқонуний меҳнат миграцияси, унинг амалий ва ҳуқуқий оқибатлари кенг тарғиб этилиши, фуқароларнинг ташқи меҳнат миграциясининг ҳуқуқий жиҳатлари соҳасида билимлар оширилиши, зарур ҳуқуқий маданият шаклланишига эришмоқ лозим.

Ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқароларни ташкиллаштирилган тарзда йиғиш юзасидан халқаро шартномалар тузиш, уларнинг республика ташқарисида иш жойларига хавфсиз тарзда етиб боришини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ахборот-технологияларини кенг жорий этишимиз зарур. Хусусан қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қилишимиз мумкин:

Ахборот-технологияларни кенг жорий этган ҳолда мигрантларнинг ва Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатларда иш топиши ва ишга жойлашишида ёрдам берувчи, ҳуқуқий маслаҳатлар олишга кўмаклашувчи

³ Neisbitt John. Megdtrends: Ten new Directions Transforming our Libves. – NY. 1984. – 28 б.

⁴ Webster Frank. Theories of the Information Society. London: Routledge, 2002 – 15 б.

⁵ Angell Ian. Winners and Losers in the Information Age. LSE Magasine. 1995. - №7. - 10 б.



интернет сайтларини ривожлантиришимиз керак. Бу интернет сайтларини халқаро иш берувчи ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси консуллик идоралари ва тегишли давлат бошқарув органлари билан алоқасини боғлаш лозим. Шунга кўра, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан махсус платформа яратилсинки унинг базасида бутун дунё бўйлаб хорижда юрган Ўзбекистон фуқароларнинг яшаш жойи, иш жойи ва ижтимоий ҳолати тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилиши ва тез-тез янгилаб турилиши керак. Бу оммавий равишда мигрантларнинг ижтимоий аҳволи давлат томонидан назоратга олинишига ва зарурий ҳолларда доимий йордам кўрсатишга имкон яратади.

Халқаро майдонда миграция соҳасида юзага келган бугунги оммавий, ижтимоий муносабатларда хусусан, унинг ҳуқуқий асослари ҳамда тартибга солувчи механизмларининг етарли шакллантирилмаганлиги, идоравий меъёрий ҳуқуқий актларда чекловчи қоидалар устувор эканлиги миграция соҳасини тартибли ташкил қилиш, бошқариш ва амалга оширишга маълум даражада тўсқинлик келиб келмоқда. Шунингдек, тегишли давлат органларининг миграция соҳасини бошқаришдаги ваколатларини кенгайтириш, фуқароларнинг хавфсизлиги ва эркинлигини таъминлаш ва қонуний миграция жараёнларини амалга оширишда хорижий давлатлар билан ўзаро битимларнинг тузилиши ушбу соҳани тизимли ривожланишига, миграция жараёнларида юзага келаётган муаммоларни аниқлашга ёрдам беради.

Юқоридаги келиб чиқиб, миграция соҳаси самарали бошқариш ва соҳага ахборот технологияларни татбиқ қилиш

юзасидан қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, Аҳоли миграциясини, шу жумладан меҳнат миграциясини мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро микёсда ҳам ҳуқуқий тартибга солувчи ягона қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш лозим. Бундан ташқари миграция соҳасида қабул қилинган ҳамда қўлланилиб келинаётган қонунлар тизимини такомиллаштириш зарур. Меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифодаловчи Ўзбекистон Республикасининг **“Меҳнат миграцияси тўғрисида”**ги Қонун лойиҳаси иловага мувофиқ ишлаб чиқилиб, уни қабул қилиш зарурлиги таклиф этилди.

иккинчидан, Ахборот-технологияларни кенг жорий этган ҳолда мигрантлар ҳақида маълумотларни умумлаштирувчи ягона **Миграция бўйича давлат ахборот тизимини** яратиш таклиф этилади. Мазкур тизим орқали халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси консуллик идоралари ва тегишли ваколатли давлат бошқарув органлари билан алоқасини боғлаш лозим.

Учунчидан, Нолегал (ноқонуний) меҳнат миграциясининг олдини олиш, унга қарши курашишнинг зарур чораларини кўриш мақсадида фуқароларни чет элда иш билан таъминловчи хусусий бандлик агентликларига хорижга кетаётган мигрантларнинг ҳуқуқий онгини зарур даражада ўстириш мажбуриятини қонун билан белгилаб қўйишни ва барча миграция масалаларига тегишли давлат вэб сайтларига хорижий давлатлар қонунчилигини доимий тарзда жойлаштириб бориш кераклигини таклиф этилади.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Турсунов.Ю. Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигининг ҳуқуқий асослари. Дарслик. Т.ТДЮУ.2010. – 184 б.
2. Иброҳимов В.А. Международная миграция населения: теория и история изучения. – Ташкент, 2013. – 254 б
3. Абдурахмонов.Қ Меҳнат иқтисодияёти назарияси ва амалиёти. Дарслик Т., 2019. – 298. б.